# Набий алайҳиссаломнинг аксар дуолари




11:38 139

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аксар дуолари:

اللَّهُمَّ آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

**«Аллоҳумма атина фид дунё ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина ъазабан нар»**, бўлар эди».

(Маъноси: «Эй Аллоҳим, дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни бер. Дўзах азобидан бизларни сақла.)

*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Имом Муслимнинг ривоятларида қуйидаги сўзлар зиёда қилинган:

«Анас розияллоҳу анҳу дуо қилишни хоҳласалар, ана шу дуо билан бошлар эдилар. Агар бошқа дуони ўқисалар, унга ўша дуони қўшардилар».

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***